

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

536 **Божхона иши такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 10 августдаги ПҚ-1595-сон қарорига мувофиқ ва божхона ишини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

2. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда ўз идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирадилар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2012 йил 27 ноябрь,
330-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2012 йил 27 ноябрдаги 330-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Автомобилда хорижий юк ташувчиларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига киришлари, бўлишлари, юк олиб ўтишлари ва ундан чиқиб кетишлари тартиби тўғрисида» 1995 йил 11 январдаги 11-сон қарорида:

а) 1-банднинг биринчи хатбошида:

«хорижий автотранспорт воситаларининг йўл қўйилиши мумкин бўлган параметрлари» сўзлари чиқариб ташлансин;

«(1 — 4-иловалар)» сўзлари «(1, 2 ва 4-иловалар)» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-банддаги «ва 2002 йил 21 февралдаги 62-сон» сўзлари «2002 йил

21 февралдаги 62-сон ва 2011 йил 26 декабрдаги 342-сон» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 3-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 6 майдаги 194-сон қарори билан тасдиқланган Лизинг операцияларини ўтказишда божхона ҳужжатларини расмийлаштириш ва божхона назоратини амалга ошириш тартибининг 9-банди учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Лизинг объекти лизинг олувчининг мулкига ўтганда лизинг объекти «экспорт» божхона режими остида жойлаштирилади».

3. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 30 апрелдаги 204-сон қарори билан тасдиқланган Божхона йиғимлари ставкаларида:

а) 9 — 11, 16, 22 — 24-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 15 ва 17-бандларнинг «Божхона йиғимлари тури» устунидан «(лицензия)» сўзи чиқариб ташлансин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 июндаги 245-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 6-сон, 33-модда) билан тасдиқланган Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан хорижий валютадаги тушумни мажбурий сотиш тартибининг 2-банди «ж» кичик бандидан «ёхуд божхона назорати остида» сўзлари чиқариб ташлансин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Импорт бож пошлиналарини унификация қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2002 йил 31 майдаги 189-сон қарорининг 5-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 5-сон, 28-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.